



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqa boshlagan

2001 yil, 24 avgust №34-35 (467-468)

Sotuvda narxi erkin



«Хоразм Телеком» акциядорлик жамияти биноси.

МУСТАҚИЛЛИК УЛУҒ – НЕЪМАТ

1. Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида. Ўтган мана шу вақт мобайлида амалга ошган қайси ўзгаришларни алоҳида санаган бўлардингиз?

2. Сизнингча, мустақиллики мустақамлаш учун ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?

О. АБДУАЗИЗОВ, Тошкент электротехника алоқа институти ўқув ишлари проректори.

1. Илгари Собиқ Иттифок Алоқа вазирлиги тасарруфида бўлган Тошкент электротехника алоқа институти Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тасарруфига ўтиши институт олдида қўйилган масалаларни ўз вақтида ечиши имкониятини берди.

Мустақиллик давридаги энг муҳим воқеалар деб Ўзбекистоннинг 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатгани, БМТга аъзо этиб қабул қилиниши ва ривожланган мамлакатлар давлат раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан музокаралар олиб бораётганини қайд этиш мумкин. Ўз умрини алоқа

ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари учун етук мутахассислар тайёрлашга бағишлаган инсон сифатида яна шунини қўшимча қилишни истардимки, 1997 йилнинг 29 августда Олий Мажлис томонидан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг тасдиқлангани ва жадаллик билан амалга оширилаётгани республика ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан биридир.

2. Педагог олим сифатида чуқур билимларга эга бўлган бакалавр ва магистрлар тайёрлашга, бунинг учун эса мутахассислар тайёрлаш ўқув режасини замон талабларига мослаштиришга, фанлар бўйича маъруза матнлари ҳамда дарсликлар яратишга ўз ҳиссамни қўшим керак. Талабаларнинг нафақат мутахассислик фанлари, шу билан бирга информатика, информатсион технологиялар, ИНТЕРНЕТ тизими имкониятларидан тулиқ фойдаланишлари ва чет тилларини мукамал ўрганишлари учун ҳам шароит яратиб, мустақил юртимиз учун фидойий ёш мутахассисларни тайёрлаб бера оласак, ўзимизни мақсадга эришдик, деб ҳисобласак бўлади.

И. ОМОНОВ ёзиб олди

• Мактуб келди

МИННАТДОРМИЗ

Ўх – тоғли туман. Бу ерда телефон алоқасини йўлга қўйишнинг ўзи бўлмайди. Лекин эл дардига камарбаста инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан кейинги йилларда туманимизда ажойиб ўзгаришлар рўй берапти. Жумладан, бизнинг туман марказидан 6-9 километр олисда жойлашган М. Юнусов номли ширкат ҳўжалигимизда ҳам алоқа сифати яхшиланмоқда. Ширкатимизга қарашли 100 дан ортиқ телефон, сал кам уч юзта радиоалоқа нуктаси беноқсон хизмат кўрсатмоқда.

Албатта, буларнинг бариси учун биз аввало «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори Абдувоҳид Жўрабоев ҳамда «Фарғона Телеком» акциядорлик жамияти бош директори Давлатали Тошматовлардан миннатдоримиз. Чунки, ҳўжалигимиз жамоасининг илтимосига кўра, уларнинг шахсан ўзлари бу ишларни ташкил этиб беришди. Шунингдек, бизлар Ўх филиали директори Мирзаали Шеровдан ҳам хурсандимиз.

З. ДОМУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти

КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ

«Тошкент Телеком» акциядорлик жамиятида филиал директорларининг навбатдан ташқари кенгаши бўлиб ўтди. Йиғилишда «Тошкент Телеком» АЖ бош директори З. Қосимов маърузаси тингланди. Маърузада Тошкент вилоятида Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллиги байрам тадбирларига тайёргарлик ишларини белгиланган муддатларда бажариш, кам таъминланган оилаларни иқтисодий ҳўмоялаш ҳамда уларга меҳр-мурувват кўрсатиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, филиал ишчи-хўдимлари ўртасида маъ-

навий-маърифий тадбирларни ўтказиб, ҳўқуқбузарликнинг олдини олиш, оқсоқиллик ва барқарорлиқни таъминлаш, дебитор қарздорлиқни қамайтириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ўрта ва кичик тадбиркорлиқни ривожлантириш каби муҳим вазифалар ҳўсу-сида ҳам фикр юритилди. Кун тартибидagi масалалар бўйича барча филиал директорларининг фикр-мулоҳазалари тингланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

А. ИБРОҲИМОВ

• Истиқлол медалари

СИФАТЛИ ХИЗМАТ – РАҚОБАТ КАФОЛАТИ

Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллик шодиёналари арафасида «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси бош директори Пўлат УМАРОВ билан муҳбиримиз суҳбатда бўлди.

– Пўлат Холматович! Маълумки, корхонангиз мустақиллик йиллари ташкил тошган. Ўтган йиллар мобайлида халқимизга кўрсатаётган хизматларингизда қандай афзаллик ва қўлайликлар яратилган?

– «Камалак-ТВ» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси мустақиллик шарофати билан 1992 йилда ташкил қилинган эди. Бу корхона аҳолига телекоммуникация хизматини кўрсатадиган, яъни сунъий йўлдош орқали жаҳондаги телекўрсатув дастурлари сигналларини қабул қилиб миқозларга етказадиган ягона корхонадир. 1992 йилда саккизта канал орқали теледастурни миқозларга етказиш билан иш бошлаган эдик. Ўтган йиллар давомида ишимизда ўзгаришлар бўлди. Сигналларни қабул қилиб, уларни истеъмолчига етказадиган янги асбоб-ускуналар ўрнатдик, каналлар сонини ҳам оширишга эришдик, шу билан бирга дастурлар сони ва мазмун ранг-баранглиги ҳам ортди.

Сунъий йўлдош воситасида юқори сифатли телекўрсатувлар имконияти очилгач, тизимимиз тез орада кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу хизмат тури меҳмонхоналар, офислар ва шахсий миқозлар учун анча қўлайлик туғдиришмоқда. Ҳозирги пайтда 27 минг ўрнатмаларимиз 100 мингга яқин миқозларга хизмат кўрсатмоқда. Кечаю кундуз бутун жаҳондан йигирмата теледастур рус, инглиз, француз, немис, корей ва бошқа тилларда узатишмоқда. Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувлари ҳам бизнинг тизимимиздан муносиб жон олган. Дастурларни танлашда албатта аҳолининг ёши, талаблари ва қизиқиши, энг муҳими – эҳтиёжларини инобатга олганмиз. Дастурлар жаҳон халқларининг турмуши ва қадриятларини таништириш билан биргаликда хорижий тилларни ўрганаётганларга ҳам ёрдам берди. Кўрсатувлар жаҳон янгиликларини, жойлардаги воқеаларни, спорт кўрсатувларини, сиёсий ҳамда иқтисодий мавзуларни, турли фильмларни, мультфильмларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қамраб олган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш

ни янада яхшилаш мақсадида даҳаларда кабель тармоқларини ўрнатиш ишларини олиб борапмиз. Жорий йилда мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб Юнусобод туман даҳаларида 60 минг хонадонга мўлжалланган тармоқни ишга туширдик.

1994 йилдан бошлаб пейджинг алоқаси хизмат кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда бундай алоқа хизмати Самарқанд, Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган ва Нукус шаҳарларида ҳам ишлаб турибди. Биргина Тошкент шаҳрида «Турон Линк – 067» операторлари 12 минг пейджерга хизмат кўрсатмоқда.

Миқозларимизга олий сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида хўдимларимиз билимларини, малакаларини оширишмоқда, хорижий усулларни ўзлаштиришмоқда. Олиб бораётган ишларимиз, амалга оширилаётган тадбирларимиз, келажақдаги режаларимиз «Камалак-ТВ» ҚҚнинг рентабеллигини, самардорлигини янада оширади деган умиддаман. Ўтган йиллар мобайлида корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тармоқни ривожлантириш тушган даромадлар эвазига бажарилди. Бундан ташқари хўдимларимизни иқтисодий турмуш шароитларини яхшилашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

– Корхонангизда ечимини кутаётган қандай муаммолар бор?

– Албатта, иш бор жойда муаммо ҳам бўлиши турган гап. Охириги йилларда даҳаларда қабелли студиялар очилиб, фаолият кўрсатмоқда. Бу студияларнинг хизмат нархи бизларникидан арзонроқдир. Аммо ўз фаолиятимизни ва хизматимизни буларга таққосламақчи эмасман.

Бизларда телекўрсатув сифати ҳам, дастурларнинг сони ҳам кўпроқ, бунинг устига кўрсатувларимиз вақтлари узлуксиздир. Агар ҳар бир кўрсатув соатининг бизларга тушаётган таннархини ҳисоблаб чиқсак, кўрсатаётган хизматимизнинг нархи миқозларимизга анча арзонга тушяпти. Имкониятимиз даражасида миқозларимиз сонини ошириб, иш самардорлигини янада унумли қилишга ҳаракат қилияпмиз.

Х. КАРИМОВ суҳбатлашди

— Хат бормаса-бормади, шунга ҳам ота гўри қўзғонами?

Почта бошлигининг савияси ҳаминқадарлиги унинг гапидан билиниб турарди. Жумагул ота хат билан боғлиқ масала оқибатини тушунириб қўришга уриниб кўрди. Барибир бўлмади. Фақат айбдорларга маъмурий жазо қўллашга киришилгандагина қайсар раҳбарнинг кўзи очилгандай бўлди.

— Кўйинг энди, ота. Хато биздан ўйлиб.

— Газетхонга ачинмайсизми? Бечора яшди ният билан катта миқдорда пул сарфлаб обуна бўлса-ю сеvimли нашрини ўз вақтида ололмаса?! Қарор қатъий, илтимосга ўрин йўқ.

Сурхондарё вилояти давлат почта алоқа инспекцияси ходимлари қўллаган жазо ишнинг ўнла-нишга олиб келди. Хат-хабар ва газета, журналларнинг тарқатилишида сезиларли ўзгариш бўлди.

Жумагул Муродова ҳеч кимнинг хато қилишини кутмайди. Ёки бировни жарима билан "сийлаш" нияти ҳам йўқ. Аксинча, ҳар бир кишининг бурчини сидқидилдан ба-жариши, мижозлар эътирозига ўрин қолмаслиги учун интилади.

Айниқса мана бу воқеа Жумагул опанинг ҳеч ёлдан чиқмайди.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган раҳбар нимагадир Давлат алоқа инспекцияси бошлигининг мурожаатига паст назар билан қаради.

— Текширганларинг билан ахрол яхши бўлиб қолармиди?!

— Ҳаракат қилиб кўрамиз, —

деди опа.

Бунга қарангки, текшириш якунига бағишланган йиғилишда ўша раҳбар почта алоқа назорати ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Дарҳақиқат, Термиз шаҳри ва бир неча туманларга телефон, радио-алоқа хизматининг издан чиққанлигига қўйилдик, ўзибўларчилик қай-фияти сабаб бўлган эди. Тўғри, на-зорат ходимларининг иши жазо ол-ганларга хуш ёқмади. Бироқ мижоз-

— Жумагул Муродова ўз касби-ни сидқидилдан севади, — дейди "Сурхондарё Телеком" шўъба кор-хонасининг техник директори Аб-дуваҳоб Ўринбосов. — Ўзи учун эмас, ўзгалар ташвишини ўйлаб жон қуйди. Мижозлар манфа-атини қўлаб, кимларгадир ёмон кўринишдан қўймади. Менимча, бундай жонқур аёллар бармоқ би-лан санарлиқдир.

Ҳақиқатан ҳам Жумагул опа юр-тимиздаги минглаб фидойи аёл-лардан бири саналади. Ўтган 21 йил давоми-

да қарерда ишлагасин, ҳамisha эл-юрт ишончини оқлашга ҳаракат қили.

Жумагул Муродова бутун бахт-ли оила бекаси, тўрт фарзанд, беш неваранинг меҳрибон буvisи. Турмуш ўртоғи, вилоят бирлашган почта алоқа касаба уюшмаси раиси Ашурали Даминов билан фарзанд-ларининг орзу ҳавасини кўрмоқда.

— Амир Темур сафардан қандай совға олиб келишини сураганида Сароймулкхоним "Сизнинг эсон-омон қайтишингиз катта мукофот" деб айтган экан. Менга ҳам бола-ларим ва уларнинг отаси омон бўлса, юрт тинч, оиламиз тотув бўлса — шу катта совғадир, — дей-ди яқинда кутлуг 55 ёшини ни-шонлаган Жумагул опа.

Илоҳим, ниятингизга етиб юринг, дегимиз келади бизнинг!

Н. ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти

АЁЛ ҚАЛБИ

лар манфаати ҳимоя қилинди.

Жумагул Муродова 1991 йилдан буён Сурхондарё вилояти Давлат алоқа инспекциясига раҳбарлик қилиб келмоқда. У бу ерда иш бошлаган пайтда инспекциянинг хизмат дои-раси ҳозиргидек кенг эмас эди. У маҳалда юқори частотали қурилма-лар, радиоэлектрон воситалар назо-рати бўлмаган. Ҳозир эса маҳаллий телевидениеларни назорат қилиш ҳам йўлга қўйилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 2 июлда-ги "Ахборот фаолияти ва маълумот-лар узатишни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш тўғриси-да"ги Қарори Жумагул Муродова бошлиқ жамоани ҳам бефарқ қол-дирмади. Ўша йил октябр ойида Тер-миз шаҳридаги "Кўзгу", "Алоқат", шу-нингдек, Денов ва Шеробод телеви-дениелари сертификатлаш мақсадида вақтинча ёпиб қўйилди. Улар эса ли-цензия олиш учун аввало телетех-никаларини янгилашга бел боғладилар.

ИБРАТЛИ УМР

Ота-боболаримиз инсон умрини бежиз оқар сувга мен-гашмайди. Кечагина бешик-да йиғлаётган мурғак гўлак бу-гун навқирон йигит бўлса, эр-тага оппоқ соқолли отахонга айланали... Чиндан вақт атал-миш бешафқат ҳакам сувдек оқиб ўтаверали. Уни тўхтата оладиган ёки ортага қайтара оладиган кучнинг ўзи йўқ. Аммо инсон ўзининг эзгу иш-лари, фидойи меҳнати билан-гина вақтнинг темир сарҳал-ларини синдириб ўта олиши мумкин. Ҳаётда фақатгина ях-шилигу эзгуликни байроқ қил-ган инсонгина вақт устидан ҳукмронлик қила олади.

Худога шукрки, атрофи-мизда бундай инсонлар иста-ганча топилади. Ана шундай кишилардан бири ҳикоямиз қаҳрамони Мамараҳим НУС-РАТОВдир.

Ўз умрининг қарийб 43 йилдан зиёдрогини республи-камиз алоқа тизимини ривож-лантиришга бағишлаган бу камтарин инсон бундан ол-тириш йил муқаддам Самарқ-анд Қўшроботининг чекка Чарлоқ қишлоғида таваллуд топди. Болалиги, ўсмирлиги уруш ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келгани боис ҳаётнинг асл моҳиятини эрта англади.

Мамараҳим ака алоқа ти-зимидagi фаолиятини 1958 йили Комсомол (ҳозирги Тай-лоқ) тумани алоқа идорасида оддий почтачиликдан бошла-ди. Ўқишга, ўрганишга чанқоқ эди. Шу боис ҳам у 1959 йили Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кир-ди. 1964 йилда ушбу ўқув дар-гоҳини муваффақиятли тугат-ган ёш мутахассис Пайариқ туманига ишга юборилди. Бу ердаги РЭТУда 1968 йилгача бошлиқ лавозимда ишлаган М. Нусратов армия сафида хизмат қилишга қаққирилди. Хизматдан кейин олий маъ-лумотли ёш мутахассис учун ўз имкониятларини тўлиқ на-моён этишга кенг йўл очилди. У Самарқанддаги Шаҳар теле-

фон станциясида бош муҳан-лис, Самарқанд шаҳар алоқа тармоқларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш корхона-сида бошлиқ ўринбосари, "Са-марқанд Телеком" шўъба кор-хонаси "Алоқа сервис" филиа-лида техник директор ҳамда бошқа вазифаларда сидқидил-дан меҳнат қилди.

— Умрининг кўп қисми ушбу соҳада ўтгани боисми, ҳаётимни бир лаҳза усиз та-саввур қилолмайман, — дейди М. Нусратов. — Худога шукр, бугун замонлар ўзгарди. Мус-тақиллик шарофати боис алоқа тармоғида оламшумул ўзгаришлар бўлди. Ҳозирда мен билан елкама-елка меҳ-нат қилаётган ёшларга ҳавас-сим келади. Чунки биз ишла-ган даврлардаги алоқа хизма-тини ҳозиргисига қийсалаб бўлмайди. Илгари техника, ускуналар имконияти чеклан-ган, иш ҳам анча оғир эди. Бу-гун эса энг замонавий асбоб-ускуналар аҳоли хизматиди. Ишонадан чиқмасданоқ бел-гиланган юмушларни уддалаш мумкин. Айниқса мустақил-лик йиллари алоқа тизими жа-дал ривожланди. Бу ҳолат ти-зимда узоқ йиллар ишлаган мен каби алоқачилар назари билан қараганда янаям аққол-роқ кўзга ташланади.

Бугун Мамараҳим ака му-борак 60 ёшини қаршилаш арафасида. Ҳозирда "Самар-қанд Телеком" шўъба корхо-насининг Пастдарғом филиа-ли директори вазифасида фао-лият кўрсатаётган бу камта-рин инсон ёшларга ўзининг беминнат маслаҳатларини бе-ришдан, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишдан асло тол-майди.

Биз ҳалол меҳнати билан обрў ва эътибор қозongan бу заҳматкаш алоқачини табар-рук ёши билан муборакбод этамиз, унга мустаҳкам соелик тилаймиз.

З. ХУДОЁЕВА,
жамоатчи мухбиримиз



Суратда Тошкент шаҳридаги 56/52 — АТС кросс электромонтёри Е. АЛЕЙНИКОВА.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

"Навоий Телеком" акциядорлик жамияти Навбахор филиали жа-моаси туман аҳолиси, корхона, ташкилот ва хўжаликларга теле-фон алоқаси хизмати кўрсатишни ҳозирги талаб даражасида ташкил этиш учун астойдил изланмоқда. Бу эса ўз навбатида мижозлар учун энг қулай ва замонавий теле-фон алоқа хизматидан фойдала-ниш имкониятини яратяпти. На-тижада уларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бунда телефон алоқасининг рақамли ти-зимга ўтилаётганлиги муҳим аҳамият касб этапти. Масалан, 2000 йили туман маркази Бешра-бод кўрғони ва унга туташ хўжа-ликларда рақамли телекоммуни-кация тизими жорий этилган, иш сифатида жиддий ижобий ўзга-

ришлар бўлди. Алоқа хизмати кўрса-тиш ҳажми ҳам ортди. Жумладан, бир йил олдингига қараганда ш-ҳарлараро сўзлашувчилар сони эл-лик фоизга кўпайди. Телефон ўрна-тиш учун буюртма берувчилар сони ҳам тобора ошиб бормоқда.

Навбахорлик алоқачилар жорий йилда гайрат-шижоат ва масъулият билан меҳнат қилишяпти. Уларнинг мақсади — мамлакатимиз муста-қиллигининг 10 йиллик байрами кунига туманнинг қолган хўжа-ликларини ҳам тўлиқ, энг қулай телефон алоқа хизмати билан таъ-минлаш. Шу мақсадда беш жойда абонентни автоматик тарзда аниқ-лаш аппаратларини ўрнатиш жадал олиб бормоқда. Бу муҳим тадбир амалга оширилган, мижозлар ўз уй-идан туриб мамлакатимиз ва дунё

давлатлари билан телефонда сўзла-шиш имкониятига эга бўлади.

— Бозор муносабатлари шарои-тида ҳар бир жамоанинг иқтисодий ҳолати унда ишловчиларнинг меҳ-натга бўлган онгли муносабатига боғлиқ, — дейди филиал директо-ри Йўлдош Жўлиев. — Бунга ўттиз тўрт кишидан иборат жамоамиз аъзолари теран англаб етишган. Шу-нинг учун ҳам корхонамизда иш-лаётган ҳар бир ходим асосий хиз-мат вазифасидан қатъий назар, ўзи-ни алоқачи деб ҳисоблайди ва шунга яраша меҳнат қилади. Чунки биз-нинг даромадимиз телефон хизма-ти кўрсатилганлиги учун тўловлар-нинг абонентлардан ўз вақтида ке-либ тушишига боғлиқ. Корхона, ташкилот ва хўжаликлар, шунинг-дек, хонадонлардаги телефон эгала-

ри эса телефон хизмати ҳақини вақ-тида тўлаб қўйиш учун ҳамisha ҳам шошилавермайди. Иш вақтидан сўнг жойларга боришимизга, хиз-мат ҳақини кечиктирмасдан тўлаб қўйишларини қайта-қайта эслатиб туришимизга тўғри келяпти. Саб-й ҳаракатимизга яраша даромадимиз ҳам ёмон эмас.

Ишчи-хизматчиларимизнинг ой-лик иш ҳақи туман корхона ва таш-килотлари ўртасида анча юқори бўлиб, ойма-ой ўз вақтида тўлаб бо-риляпти.

Навбахорлик алоқачилар муста-қиллик байрами арафасида ишни бозор иқтисодиёти талаблари дара-жасида ташкил этаётганликлари ту-файли яхши натижаларни қўлга ки-ритишяпти. Қолаверса, бу ерда ўз касбининг чинакам усталари кўпчи-

лини ташкил этиши ҳам зимма-даги масъулиятли вазифани муваф-фақиятли бажаришининг асосий омилларидан бўлмоқда.


— Бош ҳисобчи Нодирбой Нортоев, электромеханик Убай-дулла Гайбуллаев, алоқа мон-тёрлари Фани Ҳамроев, Шам-си Ҳакимов, кабелчи-кавшар-ловчи Саидахмад Ўсаров каби ҳамкасблар корхонамизнинг ҳақиқий фидойиларидир, — дей-ди Йўлдош Жўлиев. — Улар ишга бўлган муносабатлари, масъулияти ва касб маҳоратла-ри билан ёшларга ибрат бўли-шяпти. Ўз навбатида ёшлар ҳам улардан қолишмасликка ҳара-кат қилишмоқда. Кўриб турга-нингиздек, натижа ёмон эмас...

Олим ХҲАЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

DAEWOO UNITEL

ВСЕГДА СТРЕМИТСЯ БЫТЬ ЛУЧШЕЙ

"Daewoo Unitel Company" сердечно поздравляет всех жителей и гостей Узбекистана с 10-ой годовщиной Независимости Узбекистана и желает счастья, благополучия и процветания всему узбекскому народу!



По случаю 10 годовщины
Независимости Узбекистана,
Daewoo Unitel приготовила сюрпризы:

100%

скидка на дополнительное подключение для абонентов Daewoo Unitel и абонентов, переходящих с других сотовых компаний

80%

скидка на все типы подключения для всех желающих подключиться к Daewoo Unitel

300 минут

бесплатного эфирного времени для абонентов Daewoo Unitel за нового приглашенного клиента

Каждому новому абоненту, а также существующему абоненту за нового приглашенного клиента полотенце Daewoo Unitel в подарок

Период предоставления скидок: с 4 августа 2001 года по 8 сентября 2001 года
Это предложение действительно только для абонентов Ташкентской зоны регистрации.

39

**БАЗОВЫХ СТАНЦИЙ ВНЕ
КОНКУРЕНЦИИ СРЕДИ
GSM - ОПЕРАТОРОВ**

(не включая репитеры)

For your satisfaction only!

Звоните по телефонам:

185-00-22 (или *22) - отдел продаж
185-00-55 (или *55) - справочная служба
185-00-77 (или *77) - абонентская служба
185-09-80 - филиал в отеле "Intercontinental"

DAEWOO
UNITEL
GSM CELLULAR SERVICE



Приходите по адресу: г.Ташкент, ул. Бухоро, 1 или отель "Intercontinental".

Агентские офисы компании: Фергана: 24-10-31, Коканд: 2-33-30,
Наманган: 701-33-30, Андижан: 703-33-30,
Бухара: 223-05-36, Самарканд: 33-09-06

«ЎЗИМПЭКСАЛОҚА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртошларимизни ҳамда кўп сонли мижозларини энг улуғ байрам – Мустақилликнинг ўн йиллиги билан чин қалбдан табриклайди.

Ушбу байрамнинг бутон руҳи ҳаммамизга мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришда янги куч-қайрат бахш этсин!

Хонадонларингизга бахт-саодат, дастурхонларингизга қут-барака тилаймиз.

Электромагнит мослашув маркази жамоаси

Барча ватандошларни Ўстиклол байрами шодлиғаси билан чин қалбдан туборакбод этади.

Мустақиллик айёми халқимизнинг асрий орзу этган байрамидир. Зеро, Хурлик тўғрайли биз ўзимизнинг нузли келажакимизни топдик. Дилимиздаги эзгу ва хайрли истакларимиз рўёбга чиқмоқда.

Илоҳим, Хурриятимиз мангу, юртимиз тинч-осойишта, элтимиз ҳаллиша соғ-омон бўлсин.

"Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси

Қадрали мижозларини, Республикаимизнинг барча алоқачиларини мустақиллик байрамининг ўн йиллиги муносабати билан самимий туборакбод этади!

Ушбу кутлаб қўнлар ҳаммамизнинг дилангизга хушқайфият, тинчлик-тўғрайлик, хонадонингизга фойзу барака олиб кирсин!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажакини бунёд этиш йўлидаги сазой ҳаракатларингизда сизларга омад ҳамлиша ер бўлишавини тилаймиз!

Юртимизда тинчлик, барқарорлик абадий бўлсин!

"ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Республикаимиз аҳолисини, барча алоқачиларни истиқлол байрамининг ўн йиллиги билан қизгин табриклайди.

Асрларга арзигулик мана шу ўн йил ичида мамлакатимизда улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, алоқа соҳасини оладиган бўлсак, республикаимизда замонавий таксофонлар қурилмоқда. Буларнинг барчаси истиқлол берган имкониятлардир.

**Мустақиллик абадий бўлсин!
Юртошларимиз хонадонларига фойзу барокат, юртимизга тинчлик, барқарорлик тилаймиз.**

МАРКАЛАР—МАМЛАКАТ РАМЗЛАРИДИР

"Ўзбекистон маркаси" акциядорлик жамияти асосан почта тўлов белгилари — маркалар, хат-жилдлар, карточкалар нашр этиш билан шуғулланади. Корхона фақат "Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси алоқа корхоналарининг мижозларининг эмас, балки ўз маҳсулотларига талаб низоҳатда катта бўлган филателия бозори эҳтиёжларини ҳам қондириб, самарали иш юритиб келмоқда.

Шу кунларда корхона Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган 133 турдаги янги почта маркаларини муомалага чиқарди. Бу ҳақда корхона директори Муҳаррам НОСИРОВА мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

Амир Темур хайкали ва Олий Мажлис биноси, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" китоби, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасамёди" акс этган маркалар ҳам жой олган. Дарҳақиқат, ўтган ўн йил мобайнида рўй берган муҳим, оламшумул воқеалар ушбу маркаларда ўз ифодасини топган.

Почта миниатюраларидаги тасвирлар мустақиллик ҳаёти-мизга янада чуқурроқ кириб бораётганидан далolat бермоқда. Улуғ бобокалонларимиз мустақилликни орзу қилиб яшашган. Тўпلامда чоп этилган ўнча почта маркалари улуғ сиймоларимизга бағишланган. "Ўзбекистоннинг мазий дурдоналари" номли ўн битта почта маркаларида эса республикамиз тарихий осори-атиқалари акс этган.

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида тан олинди. Дунё мамлакатлари Ўзбекистонга ўз эшикларини очиб бермоқда. Республикамиз ўзининг тарихий обидалари, меҳмондўстлиги, моддий ва маънавий бойликлари билан дунё халқларини ҳайратда қолдирмоқда. Ана шу мавзулар "Ўзбекистоннинг бутун дунёда тан олинди" тўпламидаги ўн бешта почта маркаларида кенг ёритиб берилган.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар "Ўзбекистон иқтисодиётининг янги қиёфаси" номи билан чоп этилган йигирма саккизта маркадан иборат тўпламда батафсил акс этган. Унда бугунги мустақиллигига қандай эришилгани, қишлоқ хўжалиги ва саноатда олиб борилаётган салмоқли ишлар тасвирланган. Шунингдек, республикамизда ишлаб чиқарилаётган самолётлар, "ЎДЭУ авто" қўшма корхонасининг — "Нексия", "Дамас", "Тико" ҳамда янги ишлаб чиқарилган "Матиз" автомобиллари тасвири ҳам почта маркаларидан жой олган.

Мамлакатимизнинг турли жойларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари таҳсинга сазовордир. Яқин йиллар ичида қурилган кўприклар, йўллар, катта-катта иншоотлар мустақиллик медаларидир. "Меъморчилик ва қурилишдаги бунёдкорлик" деб аталган ўнча маркадан иборат тўпламда ана шу иншоотлар тасвирланган.

Маълумки, Ватанимиз мустақилликка эришгач, республикамизнинг олий мукофотлари таъсис этилди. "Мустақил Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари" деб номланган тўплам ўн иккита почта маркасидан иборат.

Навбатдаги тўплам "Мустақиллик йилларида таълим, маданият ва санъат" соҳаларига бағишланган ўн учта почта маркаларидан иборат. Бунда таълим соҳасида амалга оширилган ишлар, Миллий дастур асосида кадрлар тайёрлаш, ёш авлодини тарбиялаш борасида олиб борилаётган юмушлар (ўқув марказлари, академик лицейлар, фан, маданият иншоотлари) ўз ифодасини топган.



"Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ютуқлари" деб номланган тўпламда спортчиларимизнинг жаҳон миқёсида қозongan ғалабалари ўрин олган.

Мамлакатимиз чегарала-

тахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Почта маркалари — мамлакат рамзларидир. Шунингдек, биз чоп этган ушбу почта маркалари ҳам мамлакатимиз тарихи,



рини ҳимоя қилаётган, тинч-лигимизни сақлаётган юртимиз посбонлари сиймоси "Давлат қурулди кучларининг ташкил этилиши" деб аталган маркалар тўпламида тасвирланган.

Республикамиз мустақиллигига бағишланган марка чоп

санъати ва маданияти билан дунё халқларини таништиришда муҳим восита бўлишига шубҳа йўқ. Мўъжазгина бу миниатюралар мустақил Ўзбекистоннинг тақдирномаси сифатида бутун дунё бўйлаб, минглаб нус-



— Корхона 1992 йилда ташкил этилиб, "Ўзбекистон маркаси ноширлик маркази" деб номланган эди. Дастлаб корхонамизнинг ҳеч қандай маблағи ҳам, ишлаш учун

ни нашр этиш ўз-ўзидан бўлмади. Қанча меҳнат талаб қилишига қарамасдан қисқа фурсатда ана шундай катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишга тўғри келди.



шарт-шароити ҳам йўқ эди. Ана шундай қийин шароитда иш бошлаганмиз. Йиллар мобайнида почта белгилари ишлаб чиқаришни йўлга

Ҳозирги нашр этилган почта маркалари сифат жиҳатдан илгаригиларидан анча фарқ қилади.

Маълумки, почта маркала-



қўйиб, корхонани оёққа тургаздик. Ҳозирги кунда республикамиз почта корхоналарини почта тўлов белгилари билан етарли таъминлаш да-

ри дунё бўйича давлат рамзи ҳисобланади. Хатжилдга ёпиштирилган маркалар дунёнинг қайси бир бурчагига бормасин марказдаги суратлар мамлакатнинг бугунги кунини, маданияти, урф-одатлари ҳақида маълумот беради.

Жонахон республикамизнинг ўн йиллик тўйига атаб чоп этилган тўққизта тўпламнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мавзуларга бағишланган.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат ва Мустақиллик рамзлари" тўпламида бешта турдаги маркалар ўрин олган. Ушбу маркаларнинг бирида Ўзбекистон Республикасининг герби тасвирланган бўлиб, Ҳумо қушининг қаноти ёзилган ҳолати, иккинчи томонда эса мамлакатимиз байроғи акс этган. Ҳар бир марканинг йўлдоши бўлган купонда ҳам ўзбекча ва инглизча "Ўзбекистон мустақиллигига ўн йил" деган ёзуви бор. Бундан ташқари Тошкентдаги



этиш нияти жорий йилнинг бошида пайдо бўлганди. Бу ниятимизни мамлакатимиз ва агентлик раҳбарияти қўллаб-қувватлади. Натижада мустақилликнинг ўн йиллик тарихини акс эттирувчи почта маркалари нашр этилди. Бунинг учун жамоамиз аъзолари ас-

халарда тарқалиб, ўзининг буюк келажagini кураётган мамлакатимиз тўғрисида турли давлатлардаги миллионлаб одамларда таассурот уйғотди. Халқлар ўртасида дўстликни ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, хал-



тойдил меҳнат қилишди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда нашр этилаётган почта маркаларига хорижий мамлакатларда қизиқиш катта. Корхонамиз маҳсулотлари ҳар йили Германия, Туркия, Исроил, Австрия, Хитойда ўтказилган халқаро филателистлар кўргазмаларида иштирок этиб келади. Камтарона меҳнатларимиз му-

қаро ҳамжамиятда мамлакатимиз нуфузининг ортишига кўмаклашади.

Иззат АХМЕДОВ
ёзиб олди

Суратларда корхона ижодий жамоаси ва маркалардан намуналар берилган.



ражасига етдик.

Ўтган тўққиз йил мобайнида 287 турдаги почта маркалари чиқарган бўлсак, мустақиллик байрами арафасида бу рақамни бирданига 420 тага етказдик. Республикамизнинг ўн йиллигига бағишлаб бир юз ўттиз учта янги турдаги турли почта маркаларини муомалага чиқардик. Бу почта маркалари-

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ

АО "Каракалпак Телеком"

Дата государственной регистраций
выпуска ценных бумаг от 14.02.2001 г.
№ Р 0273

ПОРЯДОК РАСПРЕДЕЛЕНИЯ АКЦИЙ:

1. ИСХОДНЫЕ ДАННЫЕ:

— уставный фонд	1252654,0 тыс. сум
— количество акций	1252654 штук
— номинал одной акций	1000 сум.

2. ПРОСТЫЕ ИМЕННЫЕ АКЦИЙ ДЛЯ ЧЛЕНОВ ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА:

— сумма акций	62630,0 тыс. сум
— количество	62633 штук
— доля от уставного фонда	5,0 процента.

3. ПРОСТЫЕ ИМЕННЫЕ АКЦИЙ, ДЕРЖАТЕЛЕЙ КОТОРЫХ ЯВЛЯЕТСЯ ГОСКОМИМУШЕСТВО:

— сумма акций	1002123,0 тыс. сум
— количество	1002123 штук
— доля от уставного фонда	80,0 процента.

4. ПРОСТЫЕ ИМЕННЫЕ АКЦИЙ, ПОДЛЕЖАЩИЕ СВОБОДНОЙ ПРОДАЖЕ:

— сумма акций	187898,0 тыс. сум
— количество	187898 штук
— доля от уставного фонда	15,0 процента.

Безналичная с хранением записей в Государственном центральном депозитарии 100 %.

Муҳаммад ЮСУФ
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН

Ялпизлари кўкка туташ,
Йули ипак,
Суви маржон.
Майизлари — қотан қуёш,
Қуёшлари куйдирмажон.
Олтин дала,
Олмос қалам,
Зумрад осмон,
Зилол бўстон.
Кузда кетган қушлари ҳам,
Ёзда топиб келган айвон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Дунё ичра тенгсиз дунё,
Зарчопон қалб,
Ялангтўшим.
Қўли очик,
Меҳри дарё,
Қаҳри босиқ,
Қўнглибўшим,
Ўелига от бўлиб чўкиб,
Қизига аллалар айтган,
Белбоғига борин тўкиб,
Тўйга бориб тўймай қайтган,
О, бола феъл,
О, болажон
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Ўзини ўйламай-ўйлаб,
Фарзандини юрган "сиз"лаб.
Унга кирмай боласига
Сарпо йиққан,
Қаллиқ излаб.
Бизда урф шу,
Борингни куй —
Тўртта ўзбек тўпланса тўй.
Боланг учун
Керак бўлса,
Жонингни сот,
Қўзингни ўй.
Тук топганинг,
Ёз дастурхон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Тўйда унут гина-араз,
Бўшар кўнгли — кўҳна чорбоқ,
Сал шивирлаб айтилса бас,
Келаверар кўчиб қишлоқ,
Ким олтиқ,
Ким пиёдадир,
Ким қисқа,
Ким зиёдадир.
Эшитганки келаберсин,
Тўй қиламиз дунёда бир —
Бир ёқ водий,
Бир ёқ сурхон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Тўйда яйраб майда боллар,
Қўрин тўқар тандирлар ҳам.
Тўйда —
Ўтгиз яшар чоллар,
Йигирмада —
Кампирлар ҳам...
Нозик қўллар нонлар ташиб,
Қўзлар қўхлик юзлар излар.
Тўй баҳона, ёр танлашиб,
Хурсанд бўйга етган қизлар,
Йигитчалар юрар султон!..
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

О, она юрт,
Она маскан,
Ўхшашингни топай қайдан.
Сен-ку менга зор эмассан,
Сенсиз қандай яшарман ман?
Тилим ости —
Кулинг новвот,
Айирмасин ўчоғингдан.
Койиғанда койи, фақат
Қўйма мени кучоғингдан.
Сенсиз қолмай
Зор-у ҳайрон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Ой тўлгани
Шунча бўлар,
Кун турса шу
кунча бўлар.
Сенсиз икки қадам қўйсам,
Юрак куйган қулча бўлар.
Қайда сендек вафоли ёр,
Қайда сендек сўлим диёр,
Сенга бир дил бердим, тамом,
Бу меҳрим ўлгунча бўлар.
Ўлсам ҳам сен ахир макон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Бу дунёда
Мен-ку одам,
Ватан деб чирқираб қуш ҳам!..
Қуллук қилиб,
Ўз уйига
Бошин эгиб қираб қуш ҳам.
Бу-ку бир шеър,
Салқа минг жон,
Ўзинг қўшиқ,
Ўзинг дoston,
О, отамдан
қолган кўрган —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..



Истиқлол фарзандлари.

ОНА ЮРТ — ОЛТИН БЕШИК

Эли бақувватнинг бели бақувват.

Эли бойнинг ўзи бой.

Ватаннинг вайронаси —
Умрининг ғамхонаси.

Элга қўшилган оройиш топар.

Элдан айрилгунча, жондан айрил!

Юртдан айрилганни ёв чопади.

Она юрт — олтин бешик.

Ватаннинг тинчлиги — ободонлигидир.

Ватан тақдир — ҳар бир кишининг тақдирidir.

Ватанга содиқлик — муқаддас бурч.

Элини танимас — эр бўлмас.

Ватанини кўриган — номус-орини кўриди.

Ватанни билим ва меҳнат обод қилади.

ҲИҚМАТЛИ РИВОЯТЛАР

Саид ибн Жобир (р.а.) айтади:

"Бир инсон ҳаёти мобайнида кўп яхшиликлар қилади, аммо умри тугаб, Аллоҳга рўбарў бўлганида ўша яхшиликларни номаи аъмолида кўрмайди. Кейин: "Ё Парвардигоро, менинг яхшиликларим қани?", деб Аллоҳдан сўрайди. Аллоҳ айтади: "Сен барча яхшиликларингни ўзинг ғийбат қилган одамларга топшириб қўйдинг".

Ҳазрати Солиҳ Марий бир кун: "Кимки эшикни астойдил тақиллатаверса, эртами-кеч ўша эшик барибир очилади", деди. Шунда бир аёл сўради: "Демак, Аллоҳ ҳам эшигини беркитиб қўяр эканда". "Офарин, — деди Ҳазрати Солиҳ, — ҳеч кимнинг ақли етмаган нарсига бир заифанинг ақли етди".

Ҳазрати Али (р.а.) дейди: "Яхшиликни билмайдиганга ҳам яхшилик қилгин, негаки қиёмат кунда амаллар тарозусида бу яхшиликни биладиган кишига қилган яхшилигиндан оғирроқ бўлур".

"Мусулмонлар тақвими" китобидан

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хоразм Телеком», «Хоразм почтаси» акциядорлик жамияти жамоалари вилоят давлат алоқа инспекцияси бошлиғи **Мадраҳим РАЖАБОВ**ни 50 ёшга тўлиши билан самимий муборакбод этади. Унга узок умр, сихат-саломатлик, оилавий бахт ва меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилаб қолади.

"Андихон Телеком" акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси жамоалари Охунбобоев бўлими каттабелчиси **Муқимжон ЖУМАБОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан қизгин табриклайди. Унга мустахкам соғлиқ, ишларида муваф-

фақият ва оилавий бахт тилайди.

"Тошкент Телеком" акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг бош директор ўринбосари **Муҳаммаджон СОДИКОВ**ни туғилган кун билан табриклайди. Унга сихат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида омад тилайди.

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти жамоаси Собир Раҳимов филиали директори **Маъруфжон ДАДАБОВ**ни 55 ёши билан табриклайди. Унга оилавий бахт, ишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирғўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АҚБАРОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2739.
4805 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида
босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1
босма табоқ.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6